

Ўзбекистон Республикаси  
Самарқанд вилояти  
Каттақо'рғ'он шаҳар  
НОКИМИ



Ўзбекистон Республикаси  
Самарқанд вилояти  
Каттақўрғон шаҳар  
ХОКИМИ

38

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Каттақо'рғ'он шаҳри

«25» *январ* 2012 йил

№ *61-Қ*

## ҚАРОР

*Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғончаси  
Джамбул кучасида сартарошхона ва  
савдо дуконлари қуриш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2011 йил 28 май №121-К сонли қарорлари ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлаш, Республика аҳоли пунктларининг архитектура кифасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида Каттақўрғон шаҳар «Ислом шоир» кичик корхонаси раҳбарининг 2011 йил 2 сентябрдаги №15-сонли хатини инобатга олиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида» ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар «Ислом шоир» кичик корхонаси раҳбари К.Тошпулатовга Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғончаси Джамбул кучасида умумий эгаллаб турган, майдони **70 кв. метр** ни ташкил қилган сартарошхона ва савдо дуконлари замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳа асосида қуриш ҳамда атрофини ободонлаштиришга танланди.
3. Каттақўрғон шаҳар «Ислом шоир» кичик корхонаси раҳбари К.Тошпулатовга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш материалларини расмийлаштириш юқлатилади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан руҳсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юқлатилсин.

Шаҳар ҳокими:

С.З.Раззаков.